

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 794-ҳадис

794 - وَعَنِ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرْبُوعًا، وَلَقَدْ رَأَيْتُهُ فِي حُلَّةٍ حَمْرَاءَ مَا رَأَيْتُ شَيْئًا قَطُّ أَحْسَنَ مِنْهُ. مُتَّقِقٌ عَلَيْهِ [خ 5848، م 2337].

794. Баро розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам ўрта бўйли эдилар. Мен у зотни эгниларида қизил сарпода кўрдим. У зот соллаллоху алайхи васалламдан кўркамроқ ҳеч кимни кўрмаганман».

Муттрафақун алайх.

Шарҳ: Биз «сарпо» деб таржима қилган сўз арабчада «ҳуллатун» деб келган. Уларда икки бўлак кийимдан иборат кийимни «ҳуллатун» дейилади. Ажнабийларда пиджак ва шимдан иборат кийимлар тўпламини костюм дейилгани каби. Биздаги «сарпо» сўзи асли форсча бўлиб, сар-бош, по-оёқ, иккиси қўшилиб, бошдан-оёқ маъносини билдиради.

Бу ривоятда Пайғамбар соллаллоху алайхи васалламнинг ташқи кўринишлари васф қилинмоқда.

1. **«Набий соллаллоху алайхи васаллам ўрта бўйли-қоматли эдилар».**

Яъни, бўйлари паст ҳам эмас, ўта баланд ҳам эмас эди.

2. **«Батаҳқиқ, мен У зотни қизил сарпода кўрдим».**

Демак, Пайғамбар соллаллоху алайхи васаллам бошдан-оёқ қизил рангдаги кийим кийган ҳолатлари ҳам бўлган.

3. **«Ундан кўра гўзалроқ нарсани ҳеч кўрмаганман».**

Яъни, Пайғамбар соллаллоху алайхи васалламни қизил сарпо кийиб турғанларидаги гўзал ҳолатга ўхшаш ҳолатни умримда ҳеч кўрмаганман.

Кийимларнинг ранги ҳақида келган ривоятларга тааммул ила разм соладиган бўлсак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, саҳобалар ҳам турли рангли кийимларни кийганларини кўрамиз. Фақат, аввал баён қилинганидек, шуҳрат учун бўлмаса, бас! Шу билан бирга, яшил ва оқ рангли кийимлар афзал қўрилгани ҳам ҳақиқат. Ким ўша рангларни ихтиёр қилса, яхши бўлади. Лекин бошқа рангдаги кийим соҳибларини маломат қилмаслик керак.

Манба: hadis.islom.uz

